Ушбу сонда:
2 Жайҳун лавҳалари ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ, МЕНИ ЁНИГА!
3 «ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИДА
4 ДОВРУҒ ТАРАТГАН БОКСЧИЛАРИМИЗ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 7 сентябр, сешанба № 125 (772)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ТАШВИҚОТ ГУРУҲИ САФАРДА

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳузурида «Ҳушёрликка даъват» тарғибот-ташвиқот гуруҳи тузилган эди. Адабиёт ва санъат намояндалари, олимлар, ва бошқа касб эгаларидан ташкил топган мазкур гуруҳ ҳозирга қадар Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Тошкент вилоятининг бир қанча туман ва қишлоқларда бўлиб, меҳнаткаш ёшлар билан мулоқотлар ўтказди.

Куни кеча жамғарма вакиллари ташвиқот жараёнининг навбатдаги босқичини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Галдаги учрашувлар Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида бўлиб ўтади. У ерда ҳам ташвиқот гуруҳи дала шийпонлари, завод ва фабрикаларда меҳнат қилаётган ёшлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказади.

(ЎзА)

ИСЛОҲОТ МЕВАЛАРИ





Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон раҳбарияти амалга ошираётган иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири хориждан келтириладиган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришга қаратилди. «Ирмонтажкомплект» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси шу мақсадда барпо этилган эди.

«Сергели» ишлаб чиқариш ҳудудида барпо этилган мазкур корхонада пўлат қувурлар ишлаб чиқариш учун зарур барча жиҳозлар ўрнатилган.

Атиги бир йилдан сал ошиқ вақт ичида барпо этилган корхонанинг очилиш маросимида қайд этилганидек, бу ерда мамлакатимиз учун зарур бўлган 15 дан 76 миллиметрга қадар бўлган барча темир қувурларга эҳтиёж қондирилади.

Суратларда: 1.Тайёр махсулотлар. 2.Оператор Александр Лямин

Д.ЮСУПОВ, (ЎзА) олган суратлар.

Жўшқин ҳаёт нафаси

АКА-УКА МАКТАБ ҚУРДИ

Шаҳрихонлик ака-ука тадбиркорлар - Комилжон ва Қобулжон Отахоновлар ўз маблағлари ҳисобига қурган мактаб 420 ўқувчини ўз бағрига олди.

Хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда Марказий Осиёда ягона электрод ишлаб чиқариш қўшма корхонасини ташкил этиб, олинаётган даромад эвазига «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, меҳрибонлик уйлари, кам таъминлаган оилаларга беғараз ёрдам кўрсатиб келаётган акаукалар энди замонавий ўқув корпуслари, компьютерлар билан жиҳозланган кабинетлари, спорт зали, сузиш бассейни ва ошхонага эга бўлган мактаб биносини қурди. Шу мақсадда қарийб 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси ўринбосари Акмал Қосимов янги мактаб очилиши маросимда сўзга чиқиб, тадбиркорларнинг халқ таълими тизимини ривожлантириш йўлидаги бундай хайрли ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини таъкидлади.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Энг яхши ижтимоий таъминот ходими» республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан 14 нафар ижтимоий таъминот ходими қатнашди.

Танлов якунига кўра, Навоий шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходими С.Азимова мутлоқ ғолиб деб топилди. Хоразм вилоятидан С.Полвонова иккинчи, Жиззах вилоятидан Д.Бегматова учинчи ўринни эгаллади.

ЎЗБЕКИСТОНГА ЯНА БИР «БОИНГ» КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги нишонланаётган кунларда Американинг Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси билан «Боинг» корпорацияси ўртасида мамлакатимиз учун янги «Боинг-757» самолётини сотиб олиш тўғрисида битим имзоланган эди.

Тошкент шаҳри аэропортида янги самолётни кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Л.Ахметов таъкидлаганидек, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув йўлидан дадил бормоқда. Ҳавода йўловчилар ташиш борасида жаҳондаги кучли рақобат шароитида ўзининг муносиб ўрнини топган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси давлатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Тантанали маросимда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ж.Пресел иштирок этди.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

9 сентябр куни Тожикистон Республикаси мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Шу муносабат билан ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонасида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

- Мамлакатимизда аста-секин тинчлик ва осойишталик ўрнатилмоқда,- деди Тожикистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Т.Мардонов. - Саноат ва ишлаб чиқариш соҳалари тиклана бошлади. Қўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Хусусийлаштириш жараёни фаоллашмоқда. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам барқарор вазият вужудга келмоқда. Буҳинг тасдиғи сифатида янги сиёсий партияларнинг расмийлаштирилиши, навбатдаги президент ва парламент сайловлари белгиланишини айтиш кифоя.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фуқаролар уруши гирдобига тортилган Тожикистонда ҳозир вазият тобора яхшиланиб бораётир. Бирлашган тожик мухолифати билан муросага келиш, мамлакатдаги турли ҳарбий-сиёсий гуруҳларни қуролсизлантириш борасидаги ишлар буни тасдиқлайди. Бу ўзгаришлар Тожикистоннинг қўшни давлатлар билан ўзаро мустаҳкам иқтисодий ва маданий ҳамкорлик асосига қурилган муносабатларини ривожлантиришга ҳам асос яратмоқда. Хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларда барча соҳалардаги алоқалар тобора кенгайиб бормоқда.

Нима эксанг, шуни ўрасан

Куз. Боғ-роғлар оша эсаётган сабо заъфарон дарахт баргларини чирт-чирт узиб, йўлкаларга олтин япроқлардан поёндоз тўшайди.

Одамлар киш ташвишида. Катта боғ хувиллаб қолган. Азим ёнғоқ дарахти табиатнинг мунгли ҳақиқати олдида эгри-бугри танасини яширолмай, ўйчан бош эгган. Ёз бўйи кўпириб оққан Кайковус ҳам ховуридан тушган, суви шишадек тип-тиник.

ОҚИБАТ

Катта йўл четидаги хонадоннинг тинчи йўқолди. Она вафотидан кейин болалар бебош бўлиб қолишди. Бироқ, уларнинг отаси - Акромжон оғирликни бўйнига олиб, фарзандларини ҳеч нарсадан кам қилмаслик учун қўлидан келган барча ишни қилди. Ишлади, рўзғорга қаради, вақти келса, болалар кийимларини ўзи ювди. Энг муҳими, нури дийдаридан меҳрини аямади. Маҳаллакўй бу болажон, иродали, бағри кенг инсоннинг хурматини жойига қўйиб, қўлидан келганча оғирини енгил қилишга ҳаракат қилди.

Орадан 12 йил ўтди. Бу орада Акромжон катта қизини узатди. Орзулари бирин-кетин ушалиб, бахт оғушида яшаётган кезларда иссиқ овқатига пашша тушди.

Воқеа бундай бўлганди. Аёли вафотидан кейин муайян вақт ўзи оилани, рўзғорни юритди. Бироқ, эркак киши бир этак болани эплаши қийин экан. Жажжилар она меҳрига зор эдилар. Буни қалбдан тушунган хонадон соҳиби ота-она маслаҳатига кўра Соҳиба исмли аёл билан турмуш қурди.

Дастлаб ҳаётлари чакки эмасди. У қўшимча иш олиб, катта оилани ҳеч нарсага зориқтирмаслик учун эртаю кеч ишлади. Соҳиба нимаики деса, ҳаммасини бажо келтирди. Бироқ, она билан фарзандлар ўртасида пайдо бўлган жарлик кенгайиб борди. Бора-бора улар оналаридан безиллаб қолишди. Сабаби, аёлда уларга нисбатан меҳр, мурувват йўқ эди. Боз устига бўлар-бўлмасга жеркар, қўлига ўқлов олиб, узукун кўчага ҳайдаб қўйган кезлари кўп бўлганди. Охир-оқибат фарзандлар бувиларининг уйларига кетиб қоладиган бўлишди.

Акром Соҳибага ҳам, болаларига ҳам яхши гапирди, тушунтирди, муросаи мадорага чақирди. Бўлмади. Кўнгил шишаси дарз кетганидан кейин қийин экан. Гоҳо ҳаётнинг сир-синоати олдида одамзот ожиз бўлиб қоларкан. Энди ҳаёт азобга айланди. Катта хонадондан файз-барака кўтарилди. Акромжон иродани қўлга олиб, фарзандларини ўкситиб қўймади. Бу орада яна икки фарзандли бўлишди.

- Ёшлигимни, ширин умримни бировнинг болаларига бағишлайдиган аҳмоқ йўқ...

Соҳиба шундай деганча, онасиникига қайтиб кетди. Катта ҳовли яна ҳувиллаб қолди. Бироқ, фарзандлар отанинг ёнига кириб, унинг кўнглини кўтаришга, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилишарди. Бахтларига бувилари бор экан. Меҳридарё инсон кулбани ёритди, набираларини меҳр-муҳаббат билан тарбиялади. Бироқ, кутилмаганда меҳрибон буви бандаликни бажо келтирди. Орадан анчайин вақт ўтгач, катта оилага аёл сув ва ҳаводек зарурлигини барча ҳис қилди.

Бу муаммо қуйидагича ҳал бўлди: болажонларнинг бобоси Муҳаммад ота кампирига қуйиб, касалхонага тушди. Анчайин ўзига келгач, ўғли Акромжонга дилидагини айтди. Чолнинг нияти кўпчилик бағоят ҳурмат қиладиган бева аёлни келин қилиш эди. Дўстлар қистови билан Акромжон ота таклифига кўнди.

Яна хонадонга қут-барака, болаларнинг шодон кулгиси қайтди. Уйларни кўплашиб таъмирлаб, ажойиб гўшага айлантирдилар. Муҳтабархон биринчи куниданоқ фарзандларига меҳр-муҳаббатини бахшида этди. Хонадонни саранжом-саришта тутди. Райҳонлар, анвойи гуллар яшнаган ҳовлини кўриб, ҳамма ҳавас қиларди. Жаҳонда фарзандларни ёнингга олиб, тўкин дастурхон атрофида йиғилишиб, шодлик онларини бирга ўтказишдан кўра бахт бўлмаса керак. Ота-она ҳаётдан мамнун эдилар.

Бироқ, кутилмаган савдо уларни яна ташвишга солиб қўйди. Икки қизи ва суд вакиллари билан хонадонга собиқ бека - Соҳиба кириб келди.

- Бу ерга анча меҳнатим сингган, уйда ҳақим бор, - деди у ўшқириб.

Уй можароси катта жанжалга айланди.

- Инсоф борми, энг қийин дамларда Акромжоннинг илтижоларига қарамай, оила аъзоларини оғир аҳволда ташлаб кетдинг. Ҳатто, маҳаллакўй уйга қайтишни маслаҳат берганда ҳам жеркиб қўл силтадинг. Энди эса уялмай-нетмай, уйга даъвогарлик қиляпсан. Наҳотки, виждонинг қийналмаса, Соҳиба?

Одамларнинг бу каби таъна-дашномлари ҳам кор қилмади. Охир-оқибат маҳалла-кўй биргалашиб, судга мурожаат қилишди. Тажрибали мутахассислар ишга тушди. Адолат тантана қилди. Одил суд ўз ҳузурини ўйлаб, фарзандлардан юз ўгирган, оғир дамларда уларга инсоний ёрдам кўрсатмаган Соҳибанинг уйга эгалик хусусидаги даъвосини рад этди. Кўпчилик ўшанда маҳалла-кўй катта куч эканлигини яна бир бор чуқур ҳис қилди. Ҳозирги кунда Акромжон Муҳтабархонлар фарзандлари меҳр оғушида бахтли ҳаёт кечиришмоқда.

М.ҲАМДАМОВ.

(Айрим мулоҳазаларга кўра исм-шарифлар ўзгартириб ёзилди).

ҚУРУВЧИЛАР КОЛЛЕЖИ

Қарши шаҳридаги ўрта махсус ҳунар-техника ўқув юрти негизида қурилиш касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсата бошлади. Шаҳар саноат ва уй-жой қурилиш трести бинокорлари қисқа муддатда бу ерда 180 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Янги ўқув масканида ёшларнинг пухта билим олиши ва қурувчилик касбларини эгаллаши учун барча шароит яратилган.

ҚИШЛОҚДА ШИФО МАСКАНИ

Қизилтепа туманида қурилиш ишлари тобора кенгаймоқда. Куни кеча бу ерда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Навоий вилоят бўлимининг Қизилтепа туман филиали биноси фойдаланишга топширилди. Янги бинода банк ишчи-хизматчилари ва мижозлар учун барча қулай шароит яратилган. Шунингдек тумандаги Юқсун қишлоғида кунига 150 беморга хизмат кўрсата оладиган врачлик амбулаторияси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Давлат бюджети ҳисобига маблағ билан таъминланадиган тармоқларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали ва аниқ фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 1 январдан бошлаб бюджет ташкилотлари харажатларини маблағ билан таъминлашнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. У қуйидагиларни назарда тутади:

бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

бюджетдан маблағ олувчи ташкилотларни маблағ билан таъминлаш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларидан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Белгилансинки, янги тартибга мувофиқ бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш нормативлар бўйича /фаолият турига кўра/ харажатларнинг қуйидаги гуруҳларини бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида амалга оширилади:

I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар / болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқалар/;

II Иш ҳақига қўшимчалар;

III. Капитал қўйилмалар /Давлат инвестиция дастурида назарда тутилган аниқ рўйхатларга мувофиқ/;

IV. Бошқа харажатлар.

Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

3. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш манбаларини:

фаолият тури бўйича товарлар /ишлар, хизматлар/ ишлаб чиқариш ва сотишдан;

бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига ҳомийлик /беғараз/ ёрдами берилишидан қўшимча даромадлар олиш ҳисобига кенгайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган манбалардан қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан бошлаб 2 йил муддатга Давлат бюджетига ундириладиган солиқлар ва йиғимларнинг барча турларидан озод қилинсин, бўшаб қолган маблағлар моддий-техника ва ижтимоий базани мустаҳкамлашга, шунингдек уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

5. Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилотларига Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ҳуқуқи берилсин, жамғарма:

режага мувофиқ бюджетдан маблағ билан таъминлаш ҳисобига тушган ва ҳисобот чорагининг охирги иш куни охирида бюджет ташкилотлари ҳисобварақларида қолган тежаб қолинган /фойдаланилмаган/ маблағлар /капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно/;

бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар /ишлар, хизматлар/ ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкини бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоиз маблағ маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказилиши белгилаб қўйилсин;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган ҳомийлик ёрдами /беғараз ёрдам/ ҳисобига шакллантирилади.

6. Белгилансинки, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари:

аввало мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

тижорат банкларида жорий ҳисобварақлар очган ҳолда юридик шахс мақоми бериладиган бюджет ташкилотлари рўйхатини 1999 йил 1 октябргача белгиласин;

бюджет ташкилотлари фаолияти турини ҳисобга олган ҳолда бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативларини 1999 йил 1 ноябргача ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

бюджет ташкилотларини 2000 йил 1 январдан бошлаб маблағ билан таъминлашнинг янги шартларига ўтказишга тайёрлаш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда - Бюджет ташкилотлари томонидан товарлар / ишлар, хизматлар/ ишлаб чиқариш ва сотиш тартибини, Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда - Бюджет ташкилотлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган давлат мол-мулкини бошқа корхоналар ва ташкилотларга ижарага бериш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет интизомига риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратни таъминласин, бунда:

бюджет маблағларидан, шу жумладан Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан ноўрин фойдаланилиши;

бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг харажатлар гуруҳлари бўйича тасдиқланган лимитлардан ошиб кетиши;

штат-смета интизоми бузилиши;

харажатларни маблағ билан таъминлашнинг белгиланган навбатига, уларни тўлаш муддатлари ва тўлиқлигига риоя қилмаслик ҳолларининг олдини олсин.

Молия органлари, бюджет ташкилотлари раҳбарлари бюджет интизомига риоя қилиниши учун меҳнат, маъмурий ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсан жавоб беришлари тўғрисида огоҳлантирилсин. Бунда бюджет ташкилотларининг қўшимча даромадлар олиш бўйича фаолияти бюджет маблағлари ҳисобига бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифатига зарар етказмаслиги керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни икки ҳафта муддатда киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3 сентябр.

Жайҳун лавҳалари

Бугун навқирон 18 ёш билан юзлашиб турган йигит ва қизлар озод бўлдик, дея шодланган кунларимизда ўн ёшнинг нари-берисидаги болакайлар эди. Демак, улар юртимизнинг энг бахтли фарзандлари.

Хўш, бугун бу ёшларнинг жамият ва ўзи ҳақидаги фикрлари қандай? Ўзларининг ҳаётдаги ўрнини қандай тасаввур этадилар? Нимадан рози, нимадан кўнгиллари тўлмайди? Қорақалпоғистонга сафаримиз чоғида ёшлар билан суҳбатлашиб, шу саволларга жавоб топмоқчи бўлдик.



ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ, МЕНИ ЁНИГА!

ЖЎШИБ ЯШАЙЛИК

Суҳбатдошим Республика Ёшларининг «Камолот» жамғармаси Беруний туман бўлими раиси Алихон Ражабов. 1996 йилдан туман ёшларининг етакчиси бўлган бу йигитнинг асли касби иқтисодчи.

- Туманимизда 48 мингдан зиёд «Камолот» жамғармасининг аъзолари бор, - дейди Алихон. - Уларнинг асосий қисми юқори синф ўқувчилари, билим юрти талабалари. Ҳозир ҳамманинг қаноти чиқиб, осмонни кўзлаб турган пайти. Хуллас, айтса айтгудай ишларимиз кўп. Ёш деҳқон фермер хўжаликлари орасида «Ташаббус» кўрик-танловини ўтказдик,»Коинот» кўп тармоқли фирма ташкил этиб, бир неча йигит-қизларга техникавий билим бериб, уларни иш билан таъминладик. Меҳнат ярмаркаси ташкил этиб, 150 нафар ёшларимизни ҳам интилиши, қизиқиши, малакасига қараб ишга жойлаштирдик. «Маҳалламиз болалари» деб номланган футбол мусобақаси ўтказдик.

Ёшларнинг ҳаётдан кўнгли совумаслиги, ўзини жамиятга зарур деб ҳис қилиши даркор. Ана шунда, жўшиб яшайди. Мен йигит-қизларимизга шу тадбирларимиз билан: «Сизларни ҳамма ўйлаяпти, ҳаммага зарур одамсизлар», демоқчи бўламан.

- Сизни ёшларнинг етакчиси сифатида қайси муаммолар кўпроқ ташвишлантиради?

- Айрим ёшларда гиёҳвандлик, ичкиликбозликка қизиқиш борлиги, ҳамон улар орасидан жиноятчилар чиқаётгани мени қийнайди...

Мен Алихондан ёшлар ва китобхонлик, ёшлар ва дунё, ёшлар ва ижодкорлик мавзуларида ҳам сўрадим. Барча йўналишларда у ёки бу даражада ишлар, ҳаракатлар бор. Аммо мен Алихон етакчиларнинг давраларига кириб:

- Хўш, қани, айтингларчи, нима учун Абдулла Орипов:

Америка мубҳам бир диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали,

деб ёзган? Ким нима англади бу шеърдан, дея савол беришини хоҳлайман. Ёки ўғирлик қилиб қўлга тушган ўсмирнинг олдига бориб:

- Бовурим, широғим, нега бунақа йигит шаънига ярашмайдиган иш қилдинг? Ким, нима сени бу йўлга бошлади, айт, дардингни. Биргалашиб, малҳам топайлик,- дея ички бир суҳбат қилишни истайман. Ё давра-давра бўлиб ичкиликбозлик қилаётганларга: Ҳой, биродарлар, кеча ичсанглар, майли, қуллик, қарамлик ҳақоратини унутиш учун ичдинглар, бугун нега бошларингни шишага тиқасизлар? Сенлар бу хилда сархуш ўтирсаларинг, эл-юртга ким хизмат қилади, дея ҳайқиришни тиладим. Ёшлар етакчиларининг қандайдир қолиплардаги эмас, жонли, жўшқин одамлар бўлишини жуда истайман.

...Суҳбатимиз давомида Алихон Ражабов туман ҳокимлиги ёшларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида бир неча бор таъкидлади. Илоҳим, шундай бўлсин! Улуғ кичикни суяб, кичик улуғни суяб яшаётган қавмдан яхшилик нишонаси келади.

«ВАТАН ИШҚИ ҚАЛБИМДА»

Султон Аннақиличев Англиядаги Тиссайд университети халқаро сиёсий алоқалар бўлими толиби. Мустафо Абдураҳмонов эса Ливерпул университетининг иқтисод бўлимида таҳсил олади. Нукуслик бу йигитлар ўтган йили бир неча босқичли синовлардан ғолиб чиқиб, «Умид» жамғармаси йўлланмаси билан хорижга ўқишга кетган эдилар. Иккови ҳам бир йил фурсатда анча ихчамлашиб, жиддий тортишибди. Улар ўз таассуротлари билан ўртоқлашишди:

СУЛТОН: - Талабалар у ерда қаттиқ ўқишади. Лекцияларда ўқитувчилар асосан йўналиш беришади. Бу ёғи кўпроқ талабаларнинг ўзларига боғлиқ. Шунинг учун уларнинг кўп вақти кутубхонада ўтади. Баҳо мезони - фақат билим. Таниш-билишчилик, деган нарсалар кетмайди. Талабага «Гап қайтариб, ўзбошимчалик қилдинг, имтиҳонда гаплашамиз» деган пўписалар йўқ у ерда.

МУСТАФО: - Кўчалар, хиёбонлар жуда тоза. Англияликлар ўзлари яшаётган шаҳар, қишлоқларни жуда қадрлашади. Кўчаларига ҳам уйларига қарагандек муносабатда бўлишади.

СУЛТОН: -Тиссайдда металлургия заводи жойлашган. Аҳолининг аксари ишчилар. Аммо ўз қадир-қимматини яхши билишади; тоза кийинишади, ҳар қандай касб эгаси билан баравар тутишади ўзларини, бировга қўл қовуштириб, қуллуқ қилишмайди.

- Биз уч ҳамюрт ижарада бирга турамиз. Ўзимиз дўкондан масаллиқлар харид қилиб, миллий таомлар пиширамиз. Болалар, қизларни ош қилиб чақирамиз, баъзан Танука, Антон исмли дўстларимиз Ўзбекистонни жуда кўргилари келади. Тўрт фасл қуёш чарақлаб туради, десак ҳайрон қолишади.

МУСТАФО: - Менинг назаримда одобда биз ўрта осиёликларга тенг келадиган халқ бўлмаса керак дунёда. Кичикнинг каттага ҳурматини, аёлларимизники каби ҳаё билан ўйлаб гапирувчи хотин-қизларни ҳеч қаерда учратмадим. Йигитлар билан узоқ суҳбатлашдик. Хорижга «Умид» гранти билан ўқишга кетган ҳар бир талабамизга ҳукуматимиз бир йилга 30 минг доллар атрофида пул харжлар экан. Султон ҳам, Мустафо ҳам «Ҳар доим юртни соғинамиз. Бўш қолдик дегунча уйдан олиб кетган видеокассеталарни кўрамиз, ашулалар эшитамиз. Уйимизни, ота-оналаримизни эсламаган бирор кунимиз йўқ»,дейишади.

Уларнинг бирдан-бир тилаги зўр мутахассис бўлиб, Ўзбекистон буюклиги йўлида юракдан хизмат этиш, уларга бугун меҳр билан тутилаётган нон-тузни оқлаш.

ОҚ ХАЛАТ КИЙИШ ОСОНМАС

Сурайё Абдуллаева Тўрткўл шаҳридаги тиббиёт билим юртининг умумий касалликлар ҳамшираси бўлимида ўқийди. Серғайрат, шаддодгина, қиз. 86-гуруҳда яхши ўқийдиган талабалар кам эмас экану, гапини топиб-топиб гапириши учунми, менга суҳбатдошликка шу кўзлари чарақлаб турган қизни рўпара қилишди:

— Сурайё, мактабда ўқиб юрганида оқ халат кийиб юрганларим тушимга кириб чиқар эди, дединг. Мана, орзуларинг ушалиб, оқ халат ҳам кийибсан. Тушингдаги ҳаётга ўхшадими ўнгинг?

— Орзу қилиш осонроқ экан,- дейди у кулиб. - Гуруҳ раҳбаримиз Қурбонмурод Туваковдан биринчи кунлари роса қўрқардик. Баджаҳл одамга ўхшарди. Катта курслар: «Сизларга энди қийин бўлади, адабларингни ейсизлар»,- деб бизни қўрқитишган эди-да. Сўнг билсак, раҳбаримиз тилло одам экан. Тўғрисўз, қаттиқ ушлайди, эркалатиб қўймайди. Кўп насиҳат қилади: «Бор кучларинг билан ҳаётдан ўз ўринларингни топиб олишга урининглар, жамият кучли, билимли, ўз сўзига эга мутахассисни барибир тан олади. Эҳтимолки, шундай киши раҳбарлик қилгани учундир, ўзаро муносабатларимиз ҳам яхши.

Мана Эшчонова Феруза деган қизимиз бор, оилали. Бизга қараганда юки оғирроқ. Ҳаммамиз ундан хабардор бўлиб турамиз. Керак бўлса, ёрдам берамиз. Ҳар чоршанба куни тарбиявий соатимиз бор. Газета-журналлардаги, ўзимизнинг маҳаллий матбуотдаги ёшлар ҳаётига тегишли мақолаларни ўқиймиз, муҳокама қиламиз.

...Сурайё жуда завқлишавқли қиз экан. У ўзларининг билим юртидаги бўлажак ҳамширалар орасида бўлиб ўтган мусобақалар, бу мусобақадаги яхши-ёмон тарафлар, ўзларининг иккинчи ўринни олганлиги ҳақида гапириб берди. Тўрткўлда ҳам катта шаҳарлардаги каби боғлар, гулзорлар бўлишини жуда истайман, агар шунақа яшил бўлиб кетади, десалар кеча-кундуз тинмай ишлардим, дейди.

... Мен Қорақалпоғистонда бошқа ёшлар билан ҳам суҳбатлашдим. Айримлари, Тўрткўлдаги ҳуқуқ коллежини тугатиб, ишга жойлаша олмаётгани ҳақида куюнса, баъзилари бу ҳудудда уйланиш учун «қалин пули» оғирлашиб бораётганидан нолиди. «Камолот» каби ёшлар билан ишлайдиган ташкилотлар бу куюнчак гаплар ҳақида ҳам ўйлаб кўришса бўлар деб ўйладим, ўзимча.

...Амударёда сув яхши. Тўлқинлар қирғоққа урилиб турибди. «Ҳар ким ўз яшайдиган жойининг бир қисми», деган гап бор. Мен ҳам Жайҳунбўйи ёшларида шу тўлқинларга монанд юракларни кўргим келади.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

Ўзбекистон ва жаҳон

ЯПОН ФИРМАЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон билан Япония ўртасида яқин иқтисодий алоқалар мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг кенгайиб кетди. Япония сармояси ҳисобидан республикамизда кўпгина саноат корхоналари бунёд этилаётганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Тошкентда темирйўл вагонларини таъмирлаш корхонасининг ишга тушишида бу ҳамкорлик қўл келди. Мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда ҳам япон мутахассисларининг ёрдами катта бўлмоқда. Чунончи, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида ишга тушган рақамли автомат телефон станциялари, шунингдек, рақамли радиорелейли алоқа йўллари шулар жумласидандир.

Ўзбекистон билан Япония мамлакатлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик шартномасига биноан мамлакатимизда илмий-техникавий муносабатлар ҳам ривож топмоқда. Узлуксиз таълим тизимини йўлга қўйишга қаратилган лойиҳалар ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда.

- Бундай лойиҳалар таълим ўчоқлари ўқув-моддий негизини янада мустаҳкамлаш, республикамизга зарур таълимий жиҳоз ва кўргазмали қуролларни етказиб бериш учун ҳам пухта замин яратмоқда, - дейди Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Шерзод Бўтаев. - Бундай хайрли тадбирларни амалга оширишда Японияда фирмалар яхши фаолият кўрсатмоқда.

«Панасоник» япон фирмасининг саъй-ҳаракати туфайли қатор олий ўқув юртлари энг замонавий ўқув жиҳозларига эга бўлди. Жаҳон тиллари Давлат университетида ўрнатилган лингафон ускуналари ҳам шу фирмада ясалган эди.

Бу техник қурилманинг атайин шу олий ўқув юртида жиҳозланиши бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, университетда бундай аппаратларни бошқарувчи мутахассислар кўп. Шу сабабли ҳам Япония «Канэмацу Корпорейшн» фирмасининг Тошкент ваколатхонаси ана шу лингафон ускунани университетда қўллашни тавсия этди.

Япония гранти ҳисобидан яна битта лойиҳа тақдим этилди. Бунинг учун 8 миллион япон йени, яъни 70 минг долларга яқин маблағ ажратилди. Эндиликда бу лойиҳадан республикамиздаги қатор олий ўқув юртлари баҳраманд бўлишлари мумкин.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти эса бу хил замонавий ўқув жиҳозига эга бўлди. Яқинда олий ўқув юрти Япония томони билан янги ҳамкорлик шартномасини тузди. Ана шу ўзаро келишувга биноан институтга мўъжаз босмахона техникалари етказиб берилади. Бу эса олий ўқув юртида нашриёт марказини янада кенгайтириш имконини беради.

Японияниинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам ҳиммат кўрсатди. Тошкентдаги биринчи сонли бизнес мактабига мўъжаз босмахона совға қилинди. Бу босмахонадан дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш мақсадларида ҳам фойдаланилади.

Республика болалар руҳий касаллиги шифохонаси ҳам Япония элчихонаси кўмаги билан турли даволаш тиббий ускуналарига эга бўлди. Бунинг учун 53 минг доллар миқдорида пул сарфланди.

Чирчиқ шаҳридаги «Оналар ва болалар» марказига тортиқ қилинган тиббий жиҳозларни сотиб олиш учун элчихона 60 минг доллар атрофида маблағ ажратди.

Шундай қилиб, япон лойиҳалари Ўзбекистонда иқтисодий масалаларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Пахта-99»

ДАСТЛАБКИ ҚУВОНЧ

Андижон вилоятида бу йил пахта уруғчилигига алоҳида аҳамият берилди. Жумладан, Асака туманидаги «Ғалаба» хўжалиги пахтакорлари 160 гектар майдонда Болгариядан келтирилган «Черпан» ва «Агасто» номли эртапишар ва серҳосил пахта навларини парваришладилар. Ҳосил чўғи чакки эмас. Дастлабки теримдаёқ гектар бошига 25 центнердан пахта йиғиштириб олинмоқда. Йил якунига қараб келгусида мазкур навлар кўпроқ майдонларда етиштирилади.

Атроф-муҳит муҳофазаси

КАСАБА УЮШМА НУФУЗИ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1959 йили ташкил топган. Мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг, завод ҳаётида туб ўзгаришлар рўй бера бошлади. Раҳбару мутахассислар ташаббуси билан дастлаб атроф-муҳит муҳофазасига жиддий эътибор қаратилди. Завод ҳудудига туташ Тошлоқ тумани ерлари, ер ости сувлари нефт сизоваларидан тозаланди. Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли тадбирлар белгиланди. Жойлардаги технологик қурувлар, хом ашё ва тайёр маҳсулотлар тўпланмалари янгиланди. Собиқ иттифоқ даврида маҳаллий мутахассис кадрлар сони бармоқ билан санарли эди. Мустақилликни хуш кўрмай жуфтакни ростлаётган баъзи кимсалар орасида «кўрамиз, қўлингдан нима келади» дегувчилар ҳам учради. Ана шундай вазиятда маъмурият тажрибали ёш мутахассисларни жалб эта бошлади. Бугунги кунда заводнинг ҳамма соҳаларида етакчи мутахассислар: муҳандису механиклар, бўлим бошлиқлари, касб усталари, молия-ҳисобот хизматчиларининг барчаси туб миллат вакилларига мансубдир. Илғорлар сафида меҳнат қилаётган фахрий ишчилар ўз тажрибалари билан ёшларга устозлик қилмоқдалар. Юрсунали ака Назиров ана шундай мураббий устозлардан. Завод қошидаги кечки нефт техникумида мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида эътиборга молик ютуқлар қўлга киритилмоқда.

Ислоҳотлар даврида заводнинг муҳандис, техник ходимлари маҳсулот турларини кўпайтириш йўлида тинмай изланишлар олиб бордилар. Қилинган саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Темир йўл орқали келтирилаётган эшелон-эшелон хомашё нефтдан бугунги кунда бензин, керосин, дизел ёнилғиси, турли мойлар, парафин, кокс, битум, мазут каби маҳсулотлар олиб мамлакатимизнинг барча ҳудудларига тинимсиз туну кун жўнатилмоқда. Ўтган йиллар давомида ҳамма йўналишларда маҳсулот ишлаб чиқариш режалари зиёди билан бажарилди. Жорий йил кўрсаткичлари ҳам қувонарли.Айни кунларда ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида Япония мутахассислари билан биргаликда янги замонавий қурилма барпо қилинмоқда. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар ёрдамида кўпгина технологик жараёнларда реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда маҳаллий кадрларимиз Англия, Америка, Япония, Туркия давлатлари мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашмоқдалар.

Завод раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини намунали ташкил этиш, уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, саломатликларини тиклаш, маданий дам олишларини тўғри йўга қўйиш масалаларига жиддий эътибор билан қарайди. Завод ўзининг даволаш- дам олиш сиҳатгоҳига эга. Ишчи-хизматчилар фарзандлари учун болалар оромгоҳи ташкил қилинган. «Нефтчи» маданият саройи, спорт маскани нефтчиларнинг доимий хизматида.

— Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида тузган жамоа шартномасининг ҳар бир банди тўлақонли бажарилиб келинмоқда - дейди завод касаба уюшма қўмитасининг раиси Ж.Хўжақулов. - Раҳбарият ўз фаолиятида касаба уюшма қўмитасига катта эътибор, ҳурмат билан қарайди, ҳамкорликда иш кўради, қўллаб қувватлайди. Зарур ҳолда унга суянади. Шу боис касабақўм ўз нуфузи, салоҳиятига эгадир.

6200 нафардан ортиқ ишчи-хизматчи ишлаётган кўп миллатли ахил жамоа янги имкониятларни ишга солиш йўлида тинмай изланмоқда.

Раҳимжон ҲОМИДОВ.
«Ишонч»мухбири.

БИР ЙЎЛА ТЎРТТА МЕДАЛ

Соғликни сақлаш ва экологик соф технологияларни яратиш атроф-муҳитнинг тозалигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлиб колди. Айникса, рангли металлургия саноатида бундай технологияларни қўллаш инсон саломатлигига катта фойда келтириш билан бирга кўплаб маблағни тежаб колиш учун пухта замин яратмокда.

Яқинда Филиппин мамлакати пойтахти Мания шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазма айнан шу хилдаги технологиялар намойишига бағишланиши ҳам бежиз эмас. Бу нуфузли экспозицияда жаҳоннинг турли бурчақларидан келтирилган талайгина экологик соф технологиялар намуналари кўрсатилди. Ўзбекистондан юборилган экспонатлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Ўзбекистон рангли металлургия саноати илмий текшириш институти мутахассис олимлари яратган янги технологиялардан бир йўла тўрттаси кўргазманинг олтин медалига сазовор бўлиши айниқса қувонарлидир.

— Биз бу халқаро кўргазмада қатнашиш мақсадида бир нечта янги техник изланишлар устида жиддий иш олиб бордик,-дейди институтнинг етакчи мутахассиси Равшан Қодиров.- Аралашма ишлатилганда ҳосил бўладиган газлар таъсирида ҳавога қўланса ҳидли иссиқ парлар кўтарилади. Ана шу парлар ҳавони бузади. Бундай зарарни бартараф этишда бизнинг бир гуруҳ мутахассисларимиз яратган технология қўл келди. Ана шу техник жараёнга амал қилинганда бундай зарарли парларнинг деярли барчаси тозаланиб, соф экологик ҳолат юзага келади.

Шу сабабли ҳам бу технология истиқболли деб топилди. Ҳамда унга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Масалан, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу технология ўзининг қатор афзал томонларини амалда кўрсатди.

Институт жамоаси «Селита» корхонаси мутахассислари билан биргаликда яна бир технологияни тажриба нусхаси устида ҳам иш олиб борди. Бу технология энг нозик ва яхши ёритувчи электр лампочкалари тайёрлашда қўл келади. Симоб рудаси ёрдамида лампочкаларни турли ғуборлардан фориғ қилиш маҳсулот сифатини янада яхши бўлишини таъминлайди.

Шу усулни қўллаш билан «Селита» корхонаси ҳозир соатига 200 дона яхши нур берувчи лампочкалар ишлаб чиқишга эришмоқда.

Яна бир технологик жараён Навоий кон-металлургия комбинатида муваффақиятли синаб кўрилди. Иқтисодий самарадорлиги юксак бўлган бу технология атроф-муҳитнинг софлигини таъминашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Оғир металларда тўпланиб қолган тузларни тозалашга доир техник изланишлар эса тери саноати ривожида муҳим ўрин тутади.Истиқболли деб топилган бу технология «Гулмир Дери» қўшма корхонасида муваффақиятли қўлланилмоқда. Терини қайта ишлаш жараёнида бу илғор усул туфайли корхона катта ижобий самарадорликка эришмоқда.

Тузларни оқава сувлардан тозалаш технологияси мўйна ва терини қайта ишлашда айниқса яхши натижа беради.

Институт мутахассислари янги яратилган технологияларни жойларда қўллаш бўйича алоҳида чизмалар тайёрладилар. Бу чизмалар бўйича Тошкент вилоятининг Чорвоқ қўрғонидаги соф экологик ҳолатга келтирилиши лозим бўлган иншоотлар назорат остига олинди.

Шуниси муҳимки, бу чизмалардан йилнинг исталган фаслида бемалол фойдаланиш мумкин. Тозаланган оқава сувлар табиий сувларга анча яқинлашиб қолади. Айни вақтда кўплаб электр қуввати тежалади.

Ўзбекистон фан ва техника давлат қўмитаси Ўзбекистон рангли металлургия саноати илмий текшириш институти томонидан яратилган тиббий ва экологик соф технология намуналарини халқаро кўргазмага дадил тақдим этди. Юқорида айтиб ўтилган бу технологиялар эвазига институт тўртта олтин медални қўлга киритди.

А.АЛИЕВ.

Демократик ҳуқуқий давлат сари

Ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг муҳим талабларидан бири бу барча фуқароларнинг қонунга ва фақат қонунга қатъий риоя қилишларини тақозо этади. Шундагина инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари тўла ҳимоя қилиниши мумкин. Бу йўлда бир мунча ютуқларга эришиш билан бирга камчиликлардан ҳам холи эмасмиз. Қуйидаги суҳбатда ана шундай камчиликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш йўллари ҳақида Конституциявий суднинг судьяси Ғафур Абдумажидов фикрлари билан танишасиз.

— Мустақиллик йилларида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш борасида катта ишлар қилинди. Бироқ, шунга қарамай, ҳуқуқни муҳофаза қилиш борасида ҳали қатор муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган жиҳатлар мавжудлиги эътироф этиляпти. Мавжуд қонунларимизда судьяларнинг мустақиллиги тўла кафолатланган, дейиш мумкинми?

— Судьялар мустақилдирлар ва фақат қонунга бўйсунадилар, деган қоиданинг мазмуни давлат ҳокимиятининг бир идора ёхуд шахс ихтиёрида бўлмай, камида уч тармоқдан ташкил топиши лозимлиги ҳақида кишилик жамиятининг узоқ ўтмишидан келиб чиққан сабоқларга суянади. Ҳокимиятнинг вазифалари уч турда бўлади:

биринчиси - жамият манфаатларини кўзлаб қонун чиқариш;

иккинчиси - жамият ишларини қонун асосида ижро этиш;

учинчиси - ҳаётда муқаррар учрайдиган келишмовчиликлар, фикр ва фаолият тўқнашувига барҳам бериш. Ана шу учала вазифани бажариш алоҳида-алоҳида давлат органлари зиммасига юкланиши даркор. Шу жиҳатни эътиборга оладиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи суд ҳокимияти барча демократик ҳуқуқий давлатлар тамойилларига мос келади. Бу конституциямизнинг 11-моддасида бевосита таъкидланган. Ҳар бир ҳокимият тури мустақил, ўзаро тенг, фақат ўз вазифаларини бажариш учун зарур ваколатларга эга бўлиб, бошқа турдаги ҳокимиятнинг ишига аралашмаслиги шарт.

Афсуски, ҳаётда ана шу муҳим қоидани инкор қилишга уринишлар, айниқса, суд ҳокимиятининг ваколатини ўзлаштириш, унинг фаолиятига аралашиш ҳоллари оз эмас. Шўролар даврида суд ҳокимиятини махсус маъмурий комиссиялар ва уч кишидан иборат ҳайъатлар ҳам амалга оширгани, уларнинг барча қарорлари адолатсизликка, қувғин ва таъқиб учун хизмат қилгани аён. Ана шундай воқеликлар асло қайтарилмаслигини кўзлаб, Конституциямизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши асосий қоида, принцип сифатида мустаҳкамланиб қўйилган.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги судьяларнинг ҳам мустақиллигини англатади. Улар ҳеч кимнинг тобелигида, раҳбарлигида, таъсири остида бўлмаслиги, фақат қонунга бўйсуниши лозим. Одил судловни амалга ошириш борасидаги уларнинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш жавобгарликка сабаб бўлиши Конституциямизнинг 112-моддасида акс эттирилган.

Суд ҳокимиятига бағишланган илмий асарлар, мақолалар ва маърузаларнинг деярли кўпчилигида бу масала деярли мунозарасиз кенг ёритилган.

Энди судьяларнинг мустақиллигига келсак, чинакам мустақиллик ҳар бир судьянинг ўзига, изчиллиги, иродаси, маънавияти, касбий мутахассислиги ва эҳтиёткорлигига боғлиқ. Сидқидилдан ишловчи судья ҳеч қачон бошқаларга қарам бўлмайди.

Аввало, судьяга турлича йўл билан тазйиқ ўтказувчилар ўзларининг ноҳақ эканликларини тобора тушуниб борадилар ва уринишларидан наф йўқ эканлиги, улар қонунга зидлиги сабабли аста-секин оқилона иш тутишга одатланадилар, деб ишонаман. Лекин судьяга ҳар қандай тарзда ғайриқонуний таъсир кўрсатиш ҳолларини ошкора қоралаш, содир этганларни жавобгарликка тортиш зарур. Бу борада лоқайдлик, сусткашлик ҳануз кўзга ташланиб турибди.

Ана шу аҳволни таг-томири билан тугатиш учун баъзи бир, қонун билан белгиланган шарт-шароитларни ўзгартириш зарур, деб ҳисоблайман. Чунончи, суд ҳокимиятини баъзи жиддий масалалар бўйича адлия ва прокуратура органларига тобеликдан халос қилиш зарур. Суд ҳокимияти ижро этувчи ҳокимият тузилмаларидан мустақил бўлиши конституциявий таъминланган бўлсада, амалиётда чинакамига амалга оширилганича йўқ.

АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари шўро даврида судларга «ташкилий раҳбарлик» идораси ҳисобланар, 1989 йилдан бошлаб эса уларнинг зиммасига судларни «ташкилий жиҳатдан таъминлаш» вазифаси юкланган эди. Ҳозирда ҳам ана шу муносабат давом этмоқда. Судларга «раҳбарлик қилиш» ва уларни «ташкилий таъминлаш»нинг фарқи ҳеч қаерда белгиланмаган ва турлича талқин қилинади. Амалиётда адлия идоралари ҳақиқатан суд ишларини бевосита кўриш, улар чиқарган ҳукм ва қарорларни бекор қилишдан ташқари барча суд ишларига баъзида аралашадилар. Чунончи, қайси туман ва шаҳарда қанча судья лавозими бўлиши, суд ходимларининг миқдори ва иш ҳақи, суд биноси, жиҳозлари, сарф-ҳаражатлари адлия идораларига боғлиқ. Суд ишларини кўриш муддатлари, иш юритиш ва шикоятларни кўриш тартибини текшириш учун судларга турли комиссиялар юбориш, бу масалаларни адлия идоралари ҳайъатида муҳокама қилиш одат тусига кириб қолган. Адлия бошқармалари судьядан турли масала бўйича тушунтириш талаб қилиш, уни устидан интизомий иш қўзғатишига ҳам қонун йўл қўяди. Фикримизча, бу хил ваколатлар фақат юқори судларга берилиши лозим.

Суд ходимларини ва судьялар заҳирасини тайёрлаш ҳам адлия идораларининг ихтиёрида. Айтайлик, судьянинг беш йиллик фаолият муддати тугади. Уни қайта тайинлаш ёки тайинламаслик тўғрисидаги тавсия масаласи айрим ўринларда ойлар давомида адлия идораларида сансалорликка учрамоқда. Бир томондан, судья мутахассис сифатида ишсиз, иккинчи томондан, судларимизда 10-15 фоиз судьялик лавозимлари доимо бўш қолиб кетмоқда. Республикамизда бир судья кўрадиган иш ҳажми хориждагидан 3-4 баробар кўплигини эътиборга олсак, аҳвол ачинарли. Нима сабабдан судлар, барча давлат идоралари каби ўзларининг ташкилий ишларини ўзлари бажаришга қодир эмас? Шуни ҳам эътироф этиш керак, адлия идоралари билан хўжалик судьяларининг ўзаро муносабати батамом ўзгача. Бу судлар ва уларнинг судьялари моддий, ташкилий таъминот, судьяликка номзодликлар масаласида мустақил ва адлия идораларига тобе эмас. Худди шундай тартиб умумий судларнинг ҳам фаолиятига жорий этилса тўғри бўларди, деб ҳисоблайман.

- Суд тизими ва прокуратура ўртасидаги муносабатлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

- Судья - адолат посбони, масъулиятли ҳокимият вакили, унинг республика номидан чиқарган қарори қонун билан баробар кучга эга. Конституциямизнинг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», дейилган. Мен «барча» ва «мажбурийдир» сўзларига алоҳида урғу бериб, улар прокуратурага ҳам алоқадор, деб тушунишни истардим.

Аммо, Прокуратура тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39- ва 41-моддаларига кўра, ана шу қонун кучига эга бўлган ҳар қандай ҳукм, қарор ва ажрим устидан прокурор назорат тартибида протест билдиришга ва, ҳатто, протест бермасдан, уларнинг ижросини уч ойгача тўхтатиб қўйишга ҳақли. Биламизки, амалиётда очиқдан-очиқ адолатсиз суд ҳукми ёки қарори учраб туради. Лекин уларнинг ижросини тўхтатиш ваколати ижро этувчи давлат органига эмас. фақат судга, хусусан Олий суднинг ва Олий хўжалик судининг раисларига берилиши тўғри бўларди. Прокурор суд ишларида айбловчи ёки давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи тараф сифатида иштирок этади. Шу аснода баъзи прокурорларнинг судга тазйиқ ўтказишга мойиллиги адолатга хизмат қилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тизимида суд энг юқори, ҳал қилувчи жой олиши лозим.

— Судьяликка номзодларни танлаш ва тавсия этишга оид мулоҳазаларингизни баён этсангиз.

— Ҳамма соҳаларда ҳам муаммоларни ҳал этиш кадрларни танлашга бориб тақалишини юртбошимиз Олий Мажлис XIV сессиясида аниқ изоҳлаб берди.

Судьяликка номзодларни танлаш ҳам ўта муҳим ва мушкул. Қонун бўлажак судья қандай талабларга жавоб беришини аниқ белгилаб берган ва мазкур вазифани Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари зиммасига юклаган.

Ҳозир судьяликка лойиқ фуқароларни адлия ходимлари ҳуқуқшунослар даврасидан излайди ёхуд шахс бу ҳақда ўзи мурожаат қилади. Сўнгра бўлажак судья адлия бошқармаси, Адлия вазирлиги, вилоят (Тошкент шаҳар) суди ва Олий суд масъул ходимлари ва раҳбарлари ҳузурида суҳбатдан ўтади. Кейин у тегишли ҳокимлар билан мулоқотда бўлади. Хуллас, номзод Президентга тавсия қилингунча бир неча кун ва ой давомида ўндан зиёд масъул ходимларнинг синовидан ўтишга мажбур. Улардан ҳар бири номзодга рад жавоби бериш, ишончсизлик билдириш имкониятига эга. Номзод эса уларга эътироз билдира олмайди.

Менимча, шахсий жиҳатдан қонундаги талабларга жавоб берадиган ҳар бир номзодни, лавозимидан қатъи назар, ҳеч ким нолойиқ деб ҳисоблашга ҳақли эмас. Номзоднинг судьяликка лойиқлигини аниқлаш вазифаси Президент ҳузурида тузилган махсус комиссия томонидан амалга оширилиб, синовдан ўтган фуқарога судьяликка лойиқлик тўғрисида лицензия бериш рўйхати эса Олий суд раисига топширилиши лозим. Агар улардан камида икки нафари муайян лавозимни эгаллашга хоҳиш билдирса, бу ҳақда Олий суд раиси томонидан Президент хабардор қилиниши даркор. Шундагина Президент улардан бирини муқобиллик принципига мос тарзда тайинлаш имкониятига эга бўларди.

Мазкур комиссия судьяларнинг фаолиятини текшириш, уларнинг натижаларидан Президентни хабардор қилиш каби вазифаларни ҳам бажарувчи ягона ҳолис давлат органи сифатида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг вакилларидан иборат бўлса, жумладан, унинг таркибига Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Адлия вазирликлари, Прокуратура, Судьялар ассоциациясининг ходимлари, ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, файласуф ҳамда иқтисод, руҳшуносликсоҳасининг йирик олимлари киритилса, самарали бўларди. Шу хил комиссиялар бир қатор ажнабий давлатларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш ва ундан биздаги шароитларни ҳисобга олиб фойдаланиш, ҳатто суд ҳокимияти учун мўлжалланган маблағни давлат бюджетида алоҳида белгилаб, бевосита судларнинг тасарруфига бериш мақомлари қонунларимизда ўз аксини топади, деб умид қиламан.

Суҳбатдош: Дилором АЛЛАҚУЛОВА.

«ИШОНЧ»НИНГ ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

Тахририятга келаётган аксарият хатларда асосан меҳнаткашлар ҳуқуқий мавзуларда кўпроқ мақолалар бериб боришимизни илтимос қилишаётир. Хусусан, Шўрчи туманининг Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Култепа қишлоғида истиқомат қилаётган фуқаро А.Раҳимов Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ Х1 сессиясида қабул килинган «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонун ҳамда унинг моҳияти ҳақида батафсил маълумот беришимизни сўрабди. Шу боис, биз Тошкент Давлат юридик институти ҳузуридаги ҳуқуқий тарғибот ва маърифат Марказининг тавсиясига кўра, олим Муҳаммади Усмоновнинг мазкур қонунга оид шарҳини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Бир қонун шарҳи

ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ ВА УНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

- Шу пайтгача республикамизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг мавжуд бир шакли билан қай тарзда шуғулланиш кераклигини аниқ тартибга солувчи қонун даражасидаги ҳужжат йўқ эди. Илгари бундай фаолият фақат уставлар билан тартибга солиб келинарди. «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунда, аввал амал қилиб келинган Намунавий уставлардан фарқли ўлароқ, қатор янги қоидалар билан ўз ифодасини топган. Масалан, қонунда қишлоқ хўжалик кооперативининг пайга асосланиши, дивидентлар олиш ҳуқуқининг мавжудлиги, меҳнатни ташкил қилишда оила пудратига асосланиши, кооперативнинг фаолият мезонлари, юридик шахсларнинг ҳам кооперативга аъзо бўлиш ҳуқуқининг мавжудлиги, фаолият турларининг турли туманлиги ва бошқа бир қатор янги қоидалар шулар жумласидандир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан йирик товар ишлаб чиқарувчи тузилма сифатида ширкат хўжаликлари ҳаракат қилишлари лозимлиги мақсадга мувофиқ деб топилди.Энди асосий вазифа ҳаракат қилиб келаётган жамоа хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантиришдан иборатдир.

Ширкат хўжаликларини ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб, бир қатор ташкилий масалаларни амалга оширишни талаб этади. Даставвал ҳаракатда бўлган жамоа хўжаликларнинг умумий мажлиси ширкат хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Ушбу қарор хўжалик аъзоларининг камида учдан икки қисми йиғинда қатнашгандагина қонуний аҳамиятга эга бўлади. Агар жамоа хўжалиги умумий йиғилиши ширкат хўжалигига ўтиш тўғрисида қарор қабул қилса, ушбу мажлис хўжаликни қайта ташкил этиш, яъни ширкат хўжалиги тузиш бўйича комиссия тузади. Ушбу комиссия таркиби хўжалик аъзолари ва раҳбарлари, туман ҳокимияти, касаба уюшмалари ташкилотлари, молиявий органлар ҳамда қишлоқ кенгаши вакилларидан иборат бўлади. Қайта ташкил этиш комиссияси ўз фаолиятини Низом асосида олиб боради. Низом ширкат хўжалигига айлантирилаётган жамоанинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

Юқорида баён қилинган ҳаракатлар ташкилий тайёргарлик босқичи деб юритилади. Шундан сўнг иккинчи, таъсис босқичи бошланади. Ушбу босқич таъсис мажлиси ўтказиш билан характерланади.Таъсис мажлисида ширкат хўжалиги Низоми, Низом жамғармаси миқдори, Низом жамғармасини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом, бўлинмас жамғармани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом, мулкий пайларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш ҳамда улар бўйича дивидентлар тўлаш тартиби тўғрисида Низом, иштирокчилар мулкий пайлари миқдори, мулкий пай гувоҳнамаси эскизи ва ширкат белгиларининг лойиҳалари тасдиқланади. Бундан ташқари, таъсис мажлисида ширкат бошқаруви, унинг раиси, тафтиш комиссияси сайланади.

Ширкат хўжалиги ташкил этишнинг учинчи босқичи рўйхатга олиш деб юритилади. Ушбу босқичда туман ҳокимиятида ширкат хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш, банкда ҳисоб-китоб рақамини очиш, ширкат муҳри ва бошқа белгиларини тайёрлаш каби ишлар амалга оширилади.

Ширкат хўжалиги жамоа хўжалиги базасида тузилаётган бўлса, аъзоликни белгилаш учун аввал шу хўжалик умумий мулкига даъвогар бўлиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар рўйхати тузиб чиқилади. Бу рўйхатга, биринчидан, ширкат хўжалигига айлантирилаётган хўжаликда бевосита меҳнат қилаётган аъзолар, иккинчидан, шу хўжаликда меҳнат қилиб ҳозирги вақтда нафақага чиққанлар, учинчидан, шу хўжаликда меҳнат қилиб кейинчалик давлат ва жамоат органларида сайланиш йўли билан, шунингдек, жамоа хўжалиги бошқаруви томонидан бошқа ташкилотларга ишга юборилганлар, тўртинчидан, хўжаликда ишлаб турган пайтда ҳарбий хизматга кетганлар ҳамда хўжалик йўлланмаси билан олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётганлар киритилади.

Ширкат хўжалигини ташкил этишда унинг асоси бўлмиш мол-мулк, яъни низом жамғармасини шакллантириш муҳим роль ўйнайди. Ширкатнинг Низом жамғармаси унинг бўлинмас мулки ва пай жамғармаларини вужудга келтиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Низом жамғармасининг 40 фоизгача бўлган қиймати бўлинмас жамғармага, қолган қисмини эса ширкат аъзоларига тақсимланадиган пай жамғармасига ажратилади.

Ширкат хўжалигининг ташкил этишдаги навбатдаги муҳим муаммолардан яна бири - бу ширкат хўжалиги аъзоларнинг мулкий пайларини ҳисоблаш ва уни миқдорини аниқлашдир. Ширкат хўжалиги аъзоларининг мулкий пайларини ҳисоблашда асосий мезонлар бўлиб, уларнинг меҳнат стажи ва иш ҳақи миқдори ҳисобланади. Ҳар бир аъзонинг мулкий пайини бир қанча усуллар ёрдамида аниқлаб, шулардан энг соддасини қуйидагича ҳисоблаш мумкин.Демак, ҳар бир ишловчи аъзо учун меҳнат фаолияти даври ва охирги, масалан, уч йилдаги ўртача йиллик иш ҳақлари индекслар ёрдамида аниқлаб чиқилади. Ҳар бир аъзонинг меҳнат стажи унинг белгиланган йиллардаги ўртача йиллик иш ҳақига кўпайтирилиб, йил-сўми ҳисоблаб чиқилади. Ушбу йил-сўмлар хўжалик бўйича жамланади ва ҳосил бўлган йиғинди ҳар бир аъзонинг йил-сўмига бўлинган ҳолда уларга тақсимланадиган пай жамғармасидаги индексда ифодаланган ҳиссаси топилади.

« Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонунда ушбу қишлоқ хўжалик корхонаси йирик товар ишлаб чиқарувчи сифатида тан олиниб, унинг тушунчаси очиб берилган. Чунончи, мазкур қонуннинг 1-моддасига кўра, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Қонунда қишлоқ хўжалиги кооперативининг фаолият турларини белгилашга алоҳида эътибор берилган. Қонунда белгиланишича, ширкат хўжалиги фаолиятининг асосий тури қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришдир. Лекин, кооперативнинг фаолият тури бу билан чекланмайди. Ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан бир қаторда кооперативнинг ўз ҳудудида ҳам, шунингдек, ундан ташқарида ҳам қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари,халқ истеъмол моллари ишлаб-чиқариш техника аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, таъмирлаш ва қурилиш ишлари, юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланишга ҳам ҳақли (4-модда).

Қишлоқ хўжалик кооперативига аъзо бўлиб кириш ва унга аъзоликнинг сақланиши масалалари қонунда марказий ўринни эгаллайди. Қонуннинг 2-боби бевосита шу масалаларни тартибга солишга бағишланган. Унга кўра, ёши 16 ёшга тўлган, кооператив уставини тан олувчи ва унинг талабларига риоя этувчи, кооператив фаолиятида ва унинг жамғармаларини шакллантиришда иштирок этувчи жисмоний шахслар қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзоси бўлишлари мумкин. Юридик шахслар ҳам қишлоқ хўжалиги кооперативининг жамоа аъзолари бўлишлари мумкин.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзолик қуйидаги тартибда амалга оширилади. Аъзо бўлишни хоҳлаган шахс ширкат хўжалиги бошқаруви номига ариза билан мурожаат қилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи бошқарувининг кооперативига қабул қилиш тўғрисидаги қарори кооперативнинг умумий мажлисида ариза берган шахснинг иштирокида тасдиқланиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзолик ундан вақтинча чиқиб кетган шахслар учун қуйидаги ҳолларда сақланади: биринчидан,ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганлар; иккинчидан, давлат ва жамоат органларига сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганда; учинчидан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кирганда; тўртинчидан, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларига, хўжаликлараро ташкилотларга қишлоқ хўжалик кооперативи бошқаруви томонидан белгиланган муддатга ишга юборилганда; ва ниҳоят, бешинчидан, қишлоқ хўжалик кооперативининг аъзолари қарилик ва ногиронлик бўйича ишни тўхтатса, уни умумий мажлис қарори билан белгиланган асос ва шартларда ўзларининг кооперативига аъзоликларини сақлаб қоладилар (7-модда).

Қишлоқ хўжалик кооперативларига ер участкалари доимий эгалик ҳуқуқи асосида берилиб, асосан оилаларга оила пудрати асосида бириктириб қўйилади. Ер участкалари оилаларга маълум мақсад асосида берилади.

Биздан сўрабсиз

Саволларингизга ҳуқуқшунос Ҳ.Премқулов жавоб беради.

САВОЛ: Мен ўрта малакали шифокор эдим. 1995 йилдан имтиёзли нафақадаман. Умумий меҳнат стажим 36 йил. Мутахассислигим бўйича стажим 31 йил. Нафақам ўртача ойлик маошнинг 55 фоизи, устамаси билан жами 66 фоиз қилиб белгиланган. Шу тўғрими?

Р.АБДУВАЛИЕВ,
Шаҳрисабз тумани.

***ЖАВОБ**: Амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳақида»ги қонунининг 26-моддасига биноан пенсиянинг миқдори меҳнат стажига боғлиқ ҳолда қуйидагилардан ташкил топади:*

- пенсиянинг базавий миқдоридан;
- пенсияни меҳнат стажи учун оширилганидан;
- пенсияга устамалардан.

Тўлиқ пенсиянинг базавий миқдори пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача иш ҳақининг 55 фоизини ташкил этади. Юқорида қайд этилган қоиданинг 27-моддасига биноан ёшга доир пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган иш стажидан ортиқча ишланган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 фоиздан қўшимча белгиланади. Бунда пенсиянинг умумий миқдори пенсия тайинлаш учун олинган ўртача иш ҳақининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

Саволингиздан кўриниб турибдики, сиз талаб этиладиган иш стажидан 25 йил ортиқча 11 йил стажга эга экансиз. Шунинг учун 55 фоизга яна 11 фоиз қўшимча, жами 66 фоиз миқдорида пенсия тайинланган. Бу қонун доирасида эканлигини кўрсатади.

САВОЛ: Касб касаллиги учун товон пули қандай йўл билан ва қайси жамғарма ҳисобидан тўланади?

Н.РЎЗИҚУЛОВ,
Булунғур туманидаги 9-мусиқа мактаби директори.

***ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 19-моддасида айтилишича, ходимнинг соғлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарни иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаши шарт.*

Меҳнатда майиб бўлиши оқибатида ёки ўз меҳнат вазифасини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли ходимга етказилган зарарни иш берувчи, башарти зарар унинг айби билан келиб чиқмаганлигини исботлаб беролмаса, тўлаши шарт.

Худди шу борада Ўзбекистон Республикасининг Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунининг 28-моддасида иш берувчининг жавобгарлигини қуйидагича белгилайди:

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган зарар учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги керак.

Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга шу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун кетадиган харажатларни қоплайди.

Энди бевосита саволингизга келсак, яъни товон пули қайси йўл билан ва қайси жамғармадан тўланишини айтадиган бўлсак, бу масала бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш Қоидалари»га асосан тартибга солинади.

Мана шу Қоидаларнинг 10-бандида айтилишича, кўрилган зарарни тўлаш миқдори жабрланувчининг меҳнат жароҳати олгунга қадар оладиган иш ҳақига нисбатан фоизларда, уларнинг касб бўйича меҳнатга лаёқатсизлик даражасига қараб белгиланади. Бу дегани, айтайлик ходим жароҳат олиши (касб касаллигига чалиниши)дан олдин унинг ўртача иш ҳақи 6000 сўм бўлган бўлса ва меҳнатга лаёқатсизлик даражаси 60 фоиз деб топилган десак, ана шу 6000 сўмдан 60 фоиз, яъни 3600 сўм миқдорида товон пули ҳар ойда тўланиши керак дегани. Бу юқорида айтилган бир йўла тўланадиган ҳамда қўшимча харажатларни қоплашдан ташқари тўловдир.

Иш ҳақи ёки унинг бир қисми тўланаётганда, жароҳат олиш туфайли тайинлаш ногиронлик пенсиялари, шунингдек, меҳнат жароҳати олгунга қадар ва ундан кейин тайинланган пенсияларнинг бошқа турлари етказилган зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди. Шунингдек, жабрланувчининг жароҳат олгандан кейинги иш ҳақи ҳам зарарни тўлашда ҳисобга олинмайди.

Ўртача ойлик иш ҳақи меҳнат жароҳати олиш ёки меҳнат жароҳати туфайли меҳнатга лаёқатсизлик ёхуд меҳнатга лаёқат даражаси пасайишидан (фуқаронинг танлови бўйича) олдинги 12 ой мобайнидаги иш (хизмат, муддатли ҳарбий хизматдан ташқари) якуни бўйича аниқланади. Касб касаллигига чалинган тақдирда ўртача ойлик иш ҳақи ҳам бундай касалликка сабаб бўлган ишни тўхтатишдан олдинги 12 ой бўйича белгиланиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган барча тўловлар корхонанинг (қандайдир жамғарманинг эмас) ҳисобидан тўланади.

Довруғ таратган боксчиларимиз

НОМДОРЛАРНИ ДОҒДА ҚОЛДИРИБ

Амир Темур бобомизнинг чуқур маъно-мазмунли иборасини қўллаб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин», деб бугун баралла айтишимиз мумкин.

Ислом КАРИМОВ

Бундан роппа-роса 25 йил муқаддам АҚШда бокс бўйича ўтказилган Жаҳон биринчилигининг финал баҳсида илк маротаба ўзбек йигити рингга кўтарилганди. Уни русиядан деб таништиришди. Ўшанда Руфат Рисқиевнинг ўзбеклигидан ҳам дунё бехабар эди. Бироқ, шунга қарамай, сабр-бардошни, матонат ва мардликни ўзида мужассам этган Р.Рисқиев «олтин қафас» панжараларини чилпарчин этди: энг нуфузли дунё мусобақасида биринчи марта ўзбек ўғлони шоҳсупага кўтарилди.

Бугун, озодлик эпкинлари эсиб турган ажиб кунларда, яратиш ишқида ёниб яшаётган фараҳбахш кунларимизда ўша 25 йил аввалги ҳайрат дунёни яна бир бор чулғади. АҚШнинг Хьюстон шаҳрида боксчиларимиздан Маҳамматқодир Абдуллаев ва Ўткирбек Ҳайдаровлар олтин медал, Тўлқинбой Турғунов эса кумуш медал соҳиби бўлди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон АҚШ ва Куба боксчиларининг доимий рақибларига айланишди. Энди юртимиз шуҳратини сарбаланд этган чемпионларимиз билан бутун жаҳон «ўйлаб гаплашадиган» бўлди. Куни кеча бутун мамлакат ўз қаҳрамонларини кутиб олди.

Маҳамматқодир АБДУЛЛАЕВ. 1972 йил Олтинкўл туманида туғилган. Устозлари М.Кўчқоров, А.Размахов, В.Золотарёвлар. 15 йилдан буён бокс билан шуғулланади. 1998 йилги жаҳон кубоги бош соврини соҳиби, XIII Осиё ўйинлари ғолиби. Жаҳон чемпионатидаги ажойиб ғалабаси учун Ватанимизнинг юксак мукофоти - «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. 63,5 килограмм вазн тоифасида жаҳон чемпиони.

- Маҳамматқодир, кучлилар билан «олишув» осон кечмагандир? Устига устак бегона юртларда...

- Тўғри. Океан ортига жўнаш олдидан бироз ҳаяжонландим. Чунки, рақибларимизнинг бутун дунёга таниқли чарм қўлқоп усталари эканлигини, улар билан жанг ўтказиш осон эмаслигини ҳам билардик. Лекин биз мустақил юрт фарзандлари нималарга қодир эканлигини бутун жаҳонга кўрсатишимиз керак эди. Мана шу туйғу билан рингга чиқдик. Натижа ёмон бўлмади. Ғолиблик шарафига кўтарилган юртимиз байроғини кўрганимда ичимдан тошиб келган ғурурни таърифлаб беришим қийин. Ўз-ўзидан кўзимга ёш келди. Бу қувонч, севинч ёшлари эди. Мустақиллик бизга жаҳон майдонларига чиқишга йўл берган экан, биз унинг қадрига етишимиз, авайлаб асрашимиз шарт. Унинг обрўси, келажаги учун ҳар қандай майдонларда мардонавор курашишимиз керак.

Ўткирбек ҲАЙДАРОВ. 1974 йилда Андижонда туғилган. У илк бокс сирларини таниқли мураббий Феликс Пакдан ўрганди. Шундан сўнг Андижон Олимпия ўринбосарлари билим юртида ўз билим ва маҳоратини оширди. У уч карра Ўзбекистон чемпиони. АҚШда ўтказилган Жаҳон чемпионатида 75 килограмм вазн тоифасида олтин медални қўлга киритди. Муваффақиятлари учун «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан тақдирланди.

-Ўткирбек, эришган катта ютуқларингиз билан табриклаймиз. Хьюстонда ўтказилган Жаҳон чемпионатида кўнглингиздан нималар кечди?

- Раҳмат. Аввало, ким бўлмасин, барибир катта майдонга чиққанда албатта ҳаяжон босади. Лекин юртдошларим мендан улкан ғалабалар кутиб турганлиги менга куч бағишлади, ҳатто номдор рақибларимни ҳам бу куч билан бемалол енгиш мумкинлигини ҳис қилдим...

Буларнинг барчаси учун мен ҳурликка эришган халқимга таъзим қиламан. Яратганга шукроналар айтаманки, ниятимизга етдик. Юзимиз ёруғ бўлди. Ғалаба қилганимиздан сўнг хорижликлар тилидан Ўзбек, Ўзбекистон деган сўзлар тушмай қолди. Бахтим, ғурурим - шу!

Тўлқинбой ТУРҒУНОВ. 1977 йилда Қорасув шаҳрида туғилган. 1989 йилдан буён бокс билан шуғулланади. Бу йўлдаги биринчи устози Тўлқин Хўжамбердиев. Андижон Олимпия ўринбосарлари билим юртида таҳсилни устозлари М.Кўчқоров ва А.Размеховлар қўлида давом эттирган. Жаҳон чемпионатининг 57 килограмм вазн тоифасида кумуш медали совриндори. Ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон ифтихори» унвони билан мукофотланди.

— Тўлқинбой, финал ҳақида тўхталсангиз. Албатта унгача етиб келишнинг ўзи машаққат...

—Тўғри айтасиз. Финалда Рикардо Хуарес билан беллашишига тўғри келди. Агар яқин масофадан туриб жанг қилмаганида, албатта уни енгардим. Биласизми, финалда ютқазиб қўйиш алам қилар экан. Лекин шунисига ҳам шукр. Жаҳонни кўраяпмиз, манаман деган йигитлар билан куч синашаяпмиз. Америкада, мақтанаяпти демангу, ўзбек йигитларига ҳамма қойил қолди. Айниқса финалга чиққанимизни кўриб биз билан қизиқувчилар сони кўпайиб кетди...

Йигитларга ҳавасимиз келди. Спортнинг муваффақияти ҳам шундаки, у ёш танламайди. Кимда куч, иқтидор, омад бўлса - ўша ғолиб. Йигитларимиз ҳали ёш. Демак, улар ҳали Ўзбекистонимиз довруғини яна дунёга достон этажак.

Х.АБДУЛЛАЕВ, К.ОЛЛОЁРОВ.

Ошиқ бўлдим бир чаманнинг атрига
Меҳрим тўкдим гул баргининг қатига...

О.АЛМАТОВ олган сурат лавҳа

Ҳар тўғрида

ТЕЗ ЎҚИШ МАШҚЛАРИ

Одатда китоб саҳифасида 300-400 сўз бўлади. Бундай саҳифани бир дақиқада ўқиб чиқиш мумкин. Тез ўқиш курси ўтилганидан кейин эса уни ўн сонияда ўқиса бўлади. Агар дақиқасига 12 минг сўз ўқиладиган бўлса, 15 дақиқада 600 саҳифали бутун бир китобни ўқиб тушириш мумкин. Бу ҳаёлий гап бўлса керак, деб ўйлаши мумкин баъзилар. Мана ,фикримизнинг далили. Наполеон Бонапарт бир дақиқада -2000,Оноре Бальзак - 4000 сўз ўқиди.

Америка Қўшма Штатлари президенти Теодор Рузвельт кунларнинг бирида бир соатда учта романни ўқиб туширган ва уларнинг мазмунларини батафсил айтиб берган. Президент Жон Кеннеди дақиқасига икки минг сўз ўқирди.

ОЛМОС ХОСИЯТИ

Олмоснинг олмослигини билдирадиган белги, шубҳасиз, уни силлиқлаш жараённинг ихтиро этилиши билан боғлиқ. Олмосни қирраси қилиш ва силлиқлаш эса ниҳоятда қийин иш.

Яқин вақтларгача олмос ниҳоятда қаттиқ жисм бўлгани учун уни фақат олмос билангина силлиқлаш мумкин деган фикр бор эди. Олмосни олмос билан силлиқлаш усулини дастлаб фламанлик Ван-Беркен 1454 йилда ихтиро қилган деб ўйлашади кўп олимлар. Бироқ бу усул Шарқда анча олдин маълум эди.

Олмос кукунини тайёрлаш тўғрисида гапириб Беруний бундай дейди: «Олмосни бир бўлак қўрғошинга ўраб, майдаланилгунча зарб билан урилади. Олмос майда бўлакларга бўлингандан кейин, унинг олдига пашшани қўриб турадиган киши қўйиш керак, чунки пашшалар олмос кукунларини ташиб кетиши мумкин.» Айтишларича, пашша олмосни белига ёпиштириб олиб, ташиб кетиши мумкин экан.

Бунинг учун уни ёғ билан аралаштириб, айланувчи мис диск атрофига суваганлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ТАДҚИҚИ

Ўзбек халқи ўзининг бой тарихига эга. Ана шу боис кўҳна йилномани пухта ўрганиш ва чуқур тадқиқ этиш борасида қатор йирик монография ва нашрлар юзага келди.

Мактаб ва олий ўқув юртлари учун яратилган тарих дарслиги ва ўқув қўлланмаларининг рўёбга чиқишида ҳам бу тарихий манбалар асос бўлиб хизмат қилди. Умумтаълим мактабларининг бешинчи синфлари ўқувчиларига тақдим этилган «Ўзбекистон тарихидан ҳикоялар» дарслиги ҳам қизиқиш билан ўқилади. Бу ўқув адабиёти Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, профессор Бўрибой Аҳмедов томонидан ёзилган.

Йирик Шарқшунос олим Б.Аҳмедов ўрта махсус ўқув юртлари учун «Ўзбекитон тарихи манбалари» деб номланган қўлланма устида иш олиб борди. Мазкур ўқув адабиёти эса нашрга топширилди.

Олим «Амир Темур ҳақида дарслар қўлланмаси» асарини ҳам ёзиб тугатди. У ҳам яқин орада нашрдан чиқади. Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси эса академиктнинг улуғ соҳибқирон Амир Темурга бағишланган янги монографиясини чоп этаётир.

«ЖАЖЖИ МАЛИКАЛАР» ТАНЛОВИ

Жиззахда республикада биринчи марта мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган кичкинтойлар ўртасида «Жажжи маликалар» кўрик танлови уюштирилди. Бу тадбирни касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ҳамда Таълим ва фан ходимлари Жиззах шаҳар кўмитаси ташкил этди.

Уч босқичда ўтган ўзига хос кўрик танловнинг якунловчи қисми Олим Хўжаев номидаги мусиқа ва драма театрида ўтказилди.

Саҳнага бирин-кетин кўрикнинг биринчи ва иккинчи босқичларида ғолиб бўлган бири-биридан ширин, зеҳнли, фикри равон қизалоқлар чиқиб келишди. Улар йиғилганларни ўз дастурлари билан лол қолдирдилар. Қизалоқлар тайёрлаб келган дастурлар бир-бирини такрорламаслиги, ўта пишиқ ва қизиқарлилиги билан ажралиб турарди.

Энг ёқимли овоз соҳибаси Дилнозахон, энг гўзал рақҳоса деб эса Азизахон танланди. Кўрик-танловнинг «Жажжи маликаси» шарафи шаҳардаги «Ниҳол» болалар боғчаси тарбияланувчиси 5 ёшли Ҳулкаройга насиб этди.

Ҳайъат аъзолари ҳамда ҳомийлар барча қатнашчиларга эсдалик совғалари ҳамда мукофотлар тақдим этдилар.

Ҳикматуллоҳ ҚОДИРОВ, Шавкат ЁҚУБОВ

Узоқ умр кўрай десангиз

ЧИНОРЁШЛИЛАР

Ким узоқ йиллар яшашни истамайди дейсиз. Лекин бу нафақат саломатликнинг бенуқсон бўлишигагина эмас, балки бир қатор омилларга ҳам боғлик. Булар хусусида кейинроқ тўхталиб ўтамиз. Қуйида эса табаррук ёшли кишилар ҳакида айрим маълумотларни келтирамиз.

1635 йилда Лондон шаҳрига инглиз деҳқони Томас Парр келтирилиб, узоқ умр кўрувчиларнинг вакили сифатида қирол Карл 1 билан учраштирилган. Томас Паррнинг таъкидлашича, у 152 йилу 9 ой яшаган бўлиб, ўз ҳаётий фаолиятида тўқизта инглиз қироли ҳукмронлигининг жонли гувоҳи бўлган. Жумладан, у Эдуард IV, Эдуард V, Эдуард VI, Ричард III, Генрих VIII, Қиролича Мария, қиролича Елизавета, қирол Ияков замонасига ҳамнафаслик қилган. 1635 йилда Томас Парр Лондонда Қирол Карл I ҳукмронлик қилаётган даврда вафот этганида уни Англиянинг буюк кишилари қаторида Вестминстер аббатлигида кўмадилар.

Тасодифан вафот этган Томас Паррнинг аъзоларини очиб, далолатлари учун машҳур шифокор Вильям Гарвей (тиббиётда қон айланиши қонуниятини кашф этган олим) таклиф этилади. Буюк олим марҳумнинг жасадини атрофлича ўрганганч, бу зотнинг умри чиндан ҳам чинор эканлигини айтган.

Дижонлик (Франция) Жан Терель уч аср мобайнида, яъни XVII асрдан XIX асрлар ичида ҳарбий хизматда бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор. У 1684 йилда туғилган бўлиб, 1699 йилда ҳарбий хизматни ўтади. Терель Австрия ва Испания ворислик урушларида, шаҳсан 100 та жангда қатнашади. 1777 йилда қирол Людвиг XV 93 ёшли Терелни капитан даражасига кўтаради. 1802 йилда Напалеон 118 ёшли фахрий-ветераннинг борлигини эшитиб, унга 1500 франк нафақа белгилайди. Жан Терель 1827 йилда 143 ёшида вафот этади. Тарих зарварағига қайд этилган умри чинорлар кишини ҳайратга солмай қўймайди.

Англияда яшаган почта ходими Роберт Тейлор 133 йил (1764-1897 йиллар) умр кўрган. Қиролича Виктория умри чинор бу кишига ўзининг сувратини совға тарзида жўнатар экан, унга шундай дастхат битади: «Роберт Тейлорга, беқиёс узоқ умр кўрганлиги учун қиролича Викториядан эсдалик туҳфаси». Қарангки, қироличанинг бунчалик марҳамати умри чинорни шунчалар тўлқинлантириб юбордики, у уч ой ўтмасдан 134 ёшида вафот этди.

Шерали Муслимов чинор ёшлилар тимсоли сифатида оламга танилган. У 163 ёшга кириб 1973 йилда вафот этган. Шерали бобо Озарбайжондаги Барзаву номи билан юритиладиган тоғли ғўшада яшаган.У қарийб 150 йил давомида чўпонлик қилиб, пода билан кунига 10-15 километр пиёда юрган. 1973 йилда Шерали бобонинг қадди-қомати атрофлича ўрганилган: бўйи 161 сантиметр, вазни - 56 килограмм, нафас маромн, яъни нафас олиш ва чиқариш - 16, томир уруши минутига 76, қон босими 110(юқориси)га 60 (пасти) бўлган.

Шерали бобо умрида спиртли ичимликларни ичмаган, чекмаган, шунингдек у овқатланишда муайян тартибга риоя қилган. У турфа ўт-ўлан гулларидан чой дамлаб ичишни жуда хуш кўрар эди. Бобо умрининг охирги йилларида тамакизорларга қоравуллик қилар экан, уни доимо от устида кўрар эдилар. Шерали бобонинг қуйидаги доно гаплари барчага манзур келар эди: « Доимо меҳнатни эъзозлаш, жисмоний ҳаракат қилиш керак, айш-ишрат, байрамвозлик одамни ўлардек дангаса, танбал қилиб қўяди, у эса ўз навбатида ўлимга етаклайди». Шерали бобонинг наслида ҳам узоқ умр кўрганлар бор бўлган. Униг отаси 110 ёшни, онаси 90 ёшга кирганлар. Ота-онадан беш ўғил бир қиз дунёга келган бўлиб, ўғилларнинг учтаси бир асрдан ортиқ умр кўрган, қизлари 97 ёшида оламдан ўтган.

Шерали бобо умри мобайнида уч бор уйланган бўлиб, охиргиси 97 йил умр кўрган. 13 ўғли, 10 қизи, 106 та набираси, эвара, чеваралари бўлган бобонинг узоқ умри, сумбатдек бўйи, соғлом аъзолари кўпдан-кўп тиббиёт аҳлларининг назарини тортиб келган. Бироқ унинг ҳаётини ўрганаётганлар биринкетин, ёшини яшаб оламдан ўтиб кетаверсалар-да, бобонинг ўзи ҳамон давридаврон сурар, эмандек сарвиқор қомати, хушчақчақ овози, гулгун чеҳраси, пўлатдек мустаҳкам соғлиғи билан довруғ солар эди.

Кишини ажаблантирадиган нарса, Шерали бобо умрида биринчи бор 163 ёшида тайёрада учган.

Умри боқийлар орасида хуррам ҳаёт нашидасини сурган Тебези Абзиеванинг номи алоҳида ўрин тутади. Бу аёл Гуржистоннинг Гори шаҳри яқинидаги қишлоқларнинг бирида 160 ёшни кўрган. Табаррук зотнинг бутун умри меҳнат ва хўжалик ишлари билан банд бўлган.

Кишини ажаблантирадиган лавҳа. Тарихда ёши 150 дан ошган умри чинорларнинг тўққизтадан бештаси чўпонлик билан машғул бўлган экан. Бу борада Маҳмуд Айвазовнинг ҳаётий фаолияти алоҳида ўрин тутади. У Озарбайжоннинг 2200 метрлик тоғ бағрида жойлашган Пирассура қишлоғида 152 баҳорни кўрган (1808-1960йиллар). Маҳмуд бобо умрининг салмоқли қисмини қиру-далаларда ўтқазган. Муттасил равишда булоқ сувида чўмилган, очиқ ҳавода ухлаган.

Маълумотларга қараганда, Маҳмуд Айвазов 150 кишилик оила бошлиғи бўлган. Унинг умумий меҳнати фаолияти 135 йил бўлган. Маҳмуд бобо ўзининг узоқ умр кўришининг сирини қуйидагича изоҳлайди: кундалик ибратли меҳнат, танани чиниқтириш, асаб соғломлигига эга бўлиш, тўғри овқатланиш, мусафо тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиш шулар жумласидандир.

Ибратли меҳнат узоқ умр омили эканлиги ҳақида кўпдан-кўп олимлар ўз фикрларни билдирганлар. Тарихда содир бўладиган жуда ноёб ҳодиса, 1956 йилда Абхазияда бўлиб ўтган бадиий ҳаваскорларнинг чиқиши кўригида 112 ёшли Л.Шария ўзининг рақс маҳоратини юксак савияда намойиш этган. У маҳорат билан ижро этган халқ ўйинлари учун катта олқиш ва мукофотга сазовор бўлган эди. Бу покиза табиатли, қувноқ кишининг бутун умри меҳнат билан ўтган эди.

Ставрополь ўлкасидаги Александровский туманида истиқомат қилган жамоа хўжалиги аъзоси В.Тришкин 146 ёшга кирган. Бу тиниб-тинчимас чинор ёшли инсон, умрининг охиригача тиним билмаган. Боқий умр соҳиби 143 ёшида бир йилда 265 меҳнат куни билан тақдирланган эди.

Умуман олганда кавказликлар хийла узоқ умр кўрадилар. Абхазиядаги Дурипш қишлоғи ўзига хос тарафлари билан оламга танилган деса бўлади. Мазкур ғўшада ёши 80-100 бўлган кишилардан қарийб икки юзтаси яшаганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари, Дурипш аҳолиси нисбатан мустаҳкам саломатлиги билан ажралиб туради. Қизиғи шундаки, қишлоқ аҳолисининг орасида чекадиган йўқ бўлиб, уларнинг емишлари асосан сабзавотлар, ловия, пишлоқ,жўҳори бўтқаси, қатиқ, сут ва гўштдан ташкил топган. Улар очиқ ҳавода меҳнат қилишни хуш кўрадилар, жуда кўп пиёда юрадилар. Дуринштиклар кўз илғаш хусусияти, шунингдек эшитиш қобилияти жуда ўткирлиги билан ажралиб турадилар.

Яна бир маълумот. Шотландиялик балиқчи Генри Дженкинс 1670 йилда вафот этган. У 1500 йилда Йорк графлигида туғилган эди. Англиянинг суд ишларида қайд этилган маълумотларга қараганда, 1665 йили 10 йил муқаддам содир бўлган воқеа юзасидан Генри Дженкинсни гувоҳликка чақирилган. Ричмонд яқинидаги бутхонада Дженкинснинг қабр тоши ҳали ҳам бор.

Маннон НАБИЕВ.

Футбол

«НЕФТЧИ» - ДАЪВОГАРЛАР САФИДА

Ўзбекистон саккизинчи миллий чемпионатида иштирок этувчи олий тоғ жамоалари йигирма биринчи тур ўйинларини ўтказдилар. Олти учрашувда дарвозаларга йигирма учта тўп киритилди. Намангандан «Навбаҳор», «Насаф» учрашувларида мухлислар дарвозаларга киритилган 7 тўпнинг гувоҳи бўлдилар. Ўйин 4:3 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди.

Чемпионат пешқадами «Дўстлик» жамоаси «Трактор»га қарши Ойбек Усмонхўжаев, Абдуқаҳҳор Маъруфалиев, Февзи Давлатов каби моҳир ўйинчиларсиз майдонга тушди. Бу ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Учрашув 1:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб, пешқадам муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

Лекин, айтиш мумкинки, энг шов-шувли ўйин Самарқандда қайд этилди. Майдон эгалари Термизнинг «Сурхон» жамоасини қабул қилиб, меҳмонлар қаршилигини енга олмадилар. Ҳисоб - 1:1. Ваҳоланки Равшан Бозоров саккизинчи дақиқада «Сурхон» дарвозасини аниқ нишонга олиб, ўз жамоасини олдинга олиб чиққан эди. Бироқ майдон эгалари бу ҳисобни ўйинни охиригача ушлаб қололмадилар.

Сўнгги ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси ўз майдонида «Бухоро» ўйинчиларини қабул қилди.

Майдон эгалари фаол ҳаракат қилиб, ўйиннинг бошиданоқ ташаббусни ўз қўлларига олдилар ва 5:0 ҳисобида йирик ғалабани қўлга киритдилар. Бу ғалабадан сўнг фарғоналиклар ўз очколари сонини 42 тага етказиб, жадвалда «Дўстлик»дан сўнг иккинчи ўринга чиқиб олдилар.

Бекободда бўлиб ўтган ўйин ҳам мухлисларни ҳаяжонда ушлаб турди. Тошкент вилоятининг «Металлург» жамоаси ўз майдонида пешқадамлар сафида бораётган Урганчнинг «Хоразм» футболчиларини қабул қилди. У ерда ҳам ўйин тенг курашлар остида ўтиб, Хайрулла Аскаровнинг киритган ягона тўпигина майдон эгаларининг ғалабасини таъминлади. «Металлург» муҳим 3 та очкони қўлга киритиб жадвалжа олтинчи поғонага кўтарилиб олди. Энди кучли учлик қуйидагича тус олди. «Дўстлик»-44 очко, «Нефтчи»-42 очко, «Самарқанд»- 41 очко.

Чемпионат ўйинларидан бир кун олдин «Пахтакор» Қозоғистонда Осиё клублари турнирининг биринчи босқичида илк учрашувни ўтказди. Ва... 7:0 ҳисобида йирик мағлубиятга учради. Яна ўн кундан сўнг рақиблар Тошкентда куч синашадилар.

Чемпионатнинг навбатдаги йигирма иккинчи тури 11 сентябрь куни ўтказилади. Пешқадам «Дўстлик» жамоаси Урганчда майдон эгалари билан учрашадилар. «Нефтчи» эса «Сўғдиёна» меҳмони бўлади. «Самарқанд» жамоаси ҳам меҳмонда «Андижон» билан ўйнайди. Кўриниб турибдики, пешқадамларга яна осон бўлмайди.

Талъат ЮСУПОВ.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмасининг Марказий Кўмитаси «Алгоритм» акционерлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Йўлчибой Раҳимжоновга онаси

Рашида аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди 22.00

Буюртма Г— 0734. 1 2 3 4 5 6